


## Ота-онани йиғлатиш оққ бўлишдир



16:16 / 16.01.2018 5433

رئائب كل او قو قوغ ل ن م ن ي د ل اول اء الك ب ا : ل اق ؤ ن ع ل ل ل ي ص ر ر م ع ن ب ا ن ع  
» ي ر ا خ ب ل ا ه ا و ر .

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**“Ота-онани йиғлатиш оққ бўлиш ва гуноҳи кабиралардандир”.** (Имом Бухорий ривояти).

Ота-онани хурсанд қилиш қанчалар улуғ амал бўлса, уларни хафа қилиб ранжитиш ҳам улкан гуноҳ ҳисобланади. Фарзанд уларга итоатсизлик қилиб, сўзларига қулоқ солмаса, имкони бўла туриб яхшилик қилмай, озор бериб, йиғлатадиган бўлса, бу иши билан Аллоҳ таолога энг катта гуноҳ қилган ва ота-онасига оққ бўлган бўлар экан. Демак, ҳадисдан маълум бўладигани фарзандлар ота-оналарига оққ бўлиб қолишлари учун, уларнинг, “оққ қилдим”, дейишлари шарт эмаслиги, балки қалбан оғринишларининг ўзи етарли эканини билиб олишлари лозим. Мумтоз адабиётимизда ажойиб бир шеър бор:

*Эй ўғил, ҳаддингда тур! Отанг сени сотганда ҳам.*

*Инчунун, мушфиқ онангни сўзлари ботганда ҳам.*

Шунинг учун ота-она билан муомала қилишда фарзанд хушёр бўлиб, уларни ранжитиб қўймаслик учун қуйидаги одобларга риоя қилиши лозим:

Ота-онангиз билан гаплашаётганингизда овозингизни баландлатманг!

Уларга хўмрайиб тик боқманг!

Гапирганингизда қўлингизни ҳаракатлантириб гапирманг!

Уларнинг гапларини бўлманг!

Гаплари нотўғри бўлса ҳам жеркиманг!

Уларни ўз муаммо ва ташвишларини айтиб безовта қилмаслик! Бирор муаммойингиз бўлса ҳам билдирмасликка ҳаракат қилинг!

Уларга оғир ботадиган, кўнгиллари ранжийдиган, айниқса, бетоб бўлишса: “фалончи оламдан ўтди” ва ҳоказолар каби хабарларни айтманг!

Уларга қўполлик билан танбеҳ бериб тергаманг! Баъзи камчиликларини юзларига солиб ранжитманг! Гуноҳ бўладиган хатолари бўлса мулойимлик билан тушунтиринг!

Улар билмаган дин аҳкомларини мулойимлик билан жеркимасдан ўргатинг!

Улар ёнида болаларингизга қаттиқ гапириб, уриб-сўкманг!

***Зангиота тумани “Фатҳ” жоме масжиди  
имом-хатиби Баҳодир Раҳматуллаев***